Ушбу сонда:
2 МАҚСАД УЛУҒ БЎЛСА чарчоқ ҳам сезилмайди
3 ҚАЛБЛАРДА ВАТАН МЕҲРИ
4 КУН ТАРТИБИДА оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2006 йил 19 апрел, чоршанба № 69 (2118)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳи раиси Виктор Зубков раҳбарлигидаги делегация 18 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.***

Мулоқот чоғида парламентимизнинг қуйи палатаси билан Евроосиё гуруҳи ўртасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилди. Хусусан, жиноий йўллар билан орттирилган маблағларни легаллаштириш ва терроризмни молиявий таъминлашга қарши кураш бўйича биргаликда зарур қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан фикр алмашилди. Томонлар терроризмнинг глобал муаммо эканини ва уни бартараф этишда ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлар лозимлигини қайд этдилар.

(Давоми 2-бетда)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 апрел куни Оқсаройда Буюк Британия консерватив партияси вакили лорд Роберт Солсберини қабул қилди.***

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу мамлакатимиздаги ўзгаришлар билан бевосита танишиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Буюк Британиянинг турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган таниқли сиёсатчи Р.Солсбери 10 апрелдан буён мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. У юртимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, бой маданий тарихимиз билан яқиндан танишди. Жумладан, лорд Солсбери Андижон, Навоий ва Бухоро вилоятларидаги йирик саноат мажмуалари, қўшма корхоналар ва янги ташкил қилинган замонавий ишлаб чиқариш иншоотларини бориб кўрди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги осори-атиқа, маданий ёдгорликлар ва музейларни томоша қилди.

Британиялик сиёсатчи Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасида, қатор вазирликлар ва олий таълим муассасаларида бўлди.

Оқсаройда Президент Ислом Каримов ва лорд Роберт Солсбери ўртасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## «ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ-ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО- CIVIL SOCIETY» ЖУРНАЛИНИНГ ЯНГИ СОНИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш қошида ташкил этилган «Фуқаролик жамияти-Гражданское общество- Civil society» журналининг 2006 йилдаги илк сони нашрдан чиқди.***

Журналнинг дастлабки саҳифаларида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» номли маърузаси берилган.

Журналда ифодаланган мақолаларда амалга оширилган ислоҳотларнинг давлат қурилиши ва бошқаруви, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни тобора эркинлаштириш каби устувор йўналишларига эътибор қаратилган.

Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халиловнинг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг ҳуқуқий негизи» номли мақоласида жамият ва мамлакатни ислоҳ қилишнинг қонунчилик базасини такомиллаштиришда Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилган ишлар, қабул қилинган, муҳокама этилаётган, тайёрланаётган қонун лойиҳаларининг мақсади, вазифалари, аҳамияти хусусида, ушбу палатанинг қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш бўйича масалалар таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодировнинг мақоласи суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичи ҳозирги кунда қай даражада амалга оширилаётганлигининг таҳлилига қаратилган. Эҳтиёт чораси тариқасидаги қамоққа олишни амалда қўллаш бўйича жиноят-процессуал қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид фикрлар баён этилган.

Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Н.Тошматов ўлим жазосининг бекор қилиниши ва бу борадаги дунё тажрибасини ёритган.




Ўлим жазосини бекор қилишнинг жаҳон саҳнасида шаклланган ижобий асослари ёритилиб, ўлим жазосини қўлламаслик амалиётда жиноятчиликнинг ўсишига эмас, балки камайишига олиб келиши айрим давлатларнинг мисолида асослаб берилган.

Олий хўжалик судининг раиси А.Ишметов томонидан ёзилган мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари ҳам суд- ҳуқуқ соҳасидаги, ҳам тадбиркорлик соҳасидаги ислоҳотларда янги босқични бошлаб берганлиги таҳлил қилинади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд ислоҳотларининг аҳамияти хусусида фикр юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Ф.Отахонов мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотларнинг асосий ташаббускори Юртбошимиз Ислом Каримов эканлигини таъкидлаб, чуқур илмий-назарий ҳамда амалий асосларга таянган ҳолда, ушбу ислоҳотларнинг мақсади, вазифалари, босқичларини кўрсатиб берган.

Профессор Ш.Рўзиназаровнинг мақоласида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун мониторингининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари баён этилган.

Навоий кон-металлургия комбинатининг бош директори Н.Кучерский ва тарих фанлари доктори С.Ризаевнинг мақоласида фуқаролик жамиятини шакллантиришда меҳнат жамоаларининг роли, хусусан, Навоий кон-металлургия комбинатининг мамлакатимиз ижтимоий хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қўшган ҳиссаси ёритилган.

Шу билан бирга, журнал саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ҳамда ўтказилган тадбирлар ҳақида ахборот берилган.

Журнал сўнгида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш муаммоларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинарлар тўпламлари тўғрисида маълумотлар ҳавола этилган.

**(ЎзА)**

### ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Навоий шаҳрида ўндан ортиқ йирик саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорига эга.

Жорий йилнинг биринчи чорагида шаҳарда ялпи савдо айланмаси 59,3 миллион АҚШ долларини, шундан 18,9 миллионини экспорт маҳсулотлари ташкил этди. Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча юқори. Четга маҳсулот сотишда Навоий кон-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент», «Навоийазот», «Навоийэлектрокимёзаводи», «Қизилқум саховати», «Навоий-Аскомж» каби ўнлаб корхоналарнинг салмоқли ҳиссаси бор.

Навоийлик саноатчилар ишлаб чиқариш салмоғини ошириш билан бирга экспорт маҳсулотлари турини янада кўпайтиришга аҳд қилишган. Йил охиригача вилоят бўйича 145,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

## ХУСУСИЙ ЙЎЛОВЧИ ТАШУВЧИ касаба уюшма аъзоси

*Диққат, янгилик!*

***Ҳаёт қизиқ, тонгда хуш-хандон ишга кетиб, уйга бировлар кўмагида қайтиш ҳеч гап эмас. Ёки бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолиш ҳам мумкин. Зеро, инсон эртага нима бўлишини олдиндан башорат қилолмайди. Демоқчимизки, кўнгилсиз ҳолатлардан, бахтсиз тасодифлардан ҳеч ким кафолатланган эмас. Аммо, шундай пайтда ёнингизда турадиган, сизни қўллайдиган ташкилот бор. Фақат унга аъзо бўлиш керак, холос.***

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Бухоро вилоят вакиллиги тармоқда самарали меҳнат қилаётган хусусий мулк эгалари — йўловчи ташувчиларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олмоқда. Шунинг учун ҳам тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашининг навбатдаги йиғилишида Бухоро вилоятида соҳада амалга оширилаётган ишлар ўрганилди.

— Хусусий йўловчи ташувчиларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшма ташкилотлари тузиш бўйича Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ишлар самарали натижа бераётганини гувоҳи бўлдик, — деди Марказий Кенгаш раиси А.Мадалимов буни ўз сўзида ҳам эътироф этиб. — Шу билан биргаликда йўловчилар ҳам бизнинг тармоқ ходимлари ҳисобланади. Йўл соҳасида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида, маънавий ва маърифий ишларни ривожлантиришда ҳам касаба уюшмаларининг ўз ўрни бор.

Марказий кенгашнинг Бухоро вилоят бўйича вакили Ш.Ихтиёрованинг таъкидлашича, хусусий йўловчи ташувчи Республика Меҳнат Кодекси талабларига биноан дам олиш, болалари ва ўзларини соғломлаштиришга ҳақли. Шунинг учун касаба уюшмаси билан ҳамкорлик натижасида 2005 йил ёзида 15 нафар хусусий ташувчилар болалари «Ёш автомобилчи» оромгоҳида имтиёзли дам олдирилди. 4 нафар хусусий ташувчилар республикамиз сиҳатгоҳларида касаба уюшма йўлланмалари орқали соғломлаштирилди.

Мақсад бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, зарур меҳнат шароитини яратиш, транспорт воситасининг техник соз ҳолда ишга чиқишини ташкил этиш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Яқинда Президентимизнинг «Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди. Унинг биринчи бандидаёқ қарор автомобил транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт хизматлари сифатини ошириш мақсадида қабул қилинганлиги алоҳида таъкидланган. Ушбу қарор хусусий йўловчи ташувчи транспорт эгаларининг солиқ қонунчилигига риоя этишларини, қолаверса, йўловчилар хавфсизлигига жавобгар эканликлари огоҳ этилади. Жумладан, автомобил транспортида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Айни кунда вакиллик ва агентликнинг Бухоро бўлимлари уюшмалари масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда ассоциациялар тузилишига, йўловчи ташувчи хусусий транспорт эгаларининг уларга аъзо бўлиб киришига катта эътибор қаратмоқда. Ҳолбуки, юқорида айтганимиздек, уюшмалар ташкил этиш, буларга йўловчи ташувчи хусусий транспорт эгаларини жалб этиш Бухоро вилоятида бундан уч-тўрт йил олдин бошланган эди.

Масалан, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлигининг Бухоро вилоят бўлимида 41 та хусусий ташувчилар уюшмалари рўйхатга олинди. Агентликнинг вилоят бўлими касаба уюшмалари билан 2003-2005 йилларга мўлжалланган келишуви тузилган бўлиб, унинг якунларига кўра 107 та юридик шахс, 109 та жисмоний шахсларга 2005 йил давомида лицензиялар берилган. Айни кунларда лицензия варақаларига эга бўлган юридик шахслар сони 1981 тага, жисмоний шахслар 145 тага етди. Уларнинг 1819 таси йўловчи ташиш билан шуғулланмоқда.

**Маннон ОТАБОЕВ**

## ИШСИЗЛИК БАРҲАМ ТОПАДИ

*Бандлик дастури*

***Аҳолини иш билан таъминлаш муҳим ижтимоий масала. Бу муаммони бартараф этишнинг турли усулларидан фойдаланиб келинаётир. Хусусан, меҳнат бозорлари иш ахтарувчиларга ҳам, бўш иш ўринларини тўлдириш истагида бўлган корхоналарга ҳам қўл келаяпти.***

Бироқ Мирзаободда бозорда бўй кўрсатадиган корхонанинг ўзи йўқлиги боис бу йўналишдаги уринишлар ўз маҳсулини бермади. Аммо ишлик бўлишни, дастгоҳ бошқаришни истовчилар оз эмас. Хўш, улар хоҳиш-истакларини қондиришнинг чораси борми? Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш бўлими бу масалага ижодий ёндошиб маълум маънода ижобий ечим топяпти ҳам. Тумандаги иш ахтарувчиларнинг муайян қисми Гулистон шаҳридаги корхоналарга ишга йўлланмоқда. Хусусан, «Сарбонтекс», «Лола модел» каби йирик корхоналарда бугун юзлаб мирзаободликларни учратиш мумкин. Эътиборли жиҳати, аксарият корхоналар вакант лавозимлар ва бўш иш ўринларини ана шундай иш ахтарувчиларга ажратаяпти.

Наврўз қўрғонида ташкил этилган меҳнат бозорига туман ташкилотлари билан бир қаторда шаҳар корхоналари ҳам жалб этилди. Ҳудудда танилган «Моҳира» ўқув маркази томонидан тайёрланган миллий кийим-кечаклар, зардўзлик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Вилоят олимпия ўринбосарлари, «Алтайсервис», «Сирдарёгаз» шўъба корхонаси, «Сарбонтекс», «Мирзаободгаз» корхонаси, туман фермерлар уюшмаси ўзлари ишлаб-чиқараётган маҳсулот, фаолиятидан маълумот берувчи воситаларни намойиш этишди. Меҳнат бозори иштирокчиларига фаолият турлари билан яқиндан танишиш, тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконияти туғдирилди.

Саноат корхонасида ишлаш истагим бор эди, - дейди иш ахтараётган Шерқўзи Жўраев. — «Сарбонтекс» корхонаси менга манзур бўлди. Бу ердаги замонавий асбоб-анжомлар, юқори технология, ходимларга яратилган шароит билан яқиндан танишдим. Келажагимни шу корхонада кўраяпман.



Меҳнат ярмаркасида иштирок этган ташкилот ва корхоналар 82 та бўш ўринларни таклиф этишди. 41 нафар фуқарога меҳнат қонунлари, жамоа шартномаси, ходим ва иш берувчи ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида тушунча берилди. 22 нафар фуқаро эса ўзлари танлаган соҳа бўйича ишга жойлаштирилди. 7 киши қайта тайёрлаш учун ўқув курсларига юборилди.

Тадбирда бир марталик иш билан таъминлаш тўғрисида батафсил маълумот берилди. Меҳнат бўлими қошида бир марталик иш билан таъминлаш маркази ишлаб турибди. Малакали мутахассислар фуқаролардан қисқа муддатли, аммо мўмай даромад келтирадиган ишлар учун буюртмалар қабул қилиб, ишлаш истагида бўлганларга шароит яратаяпти. Шунингдек, қурилиш соҳасига мавсумий ва доимий ишчиларни жалб этишнинг илғор тизими ишлаб чиқилган.

— Шу йилнинг биринчи чорагида 138 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этганди, — дейди меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш бўлими мудири Акмал Абдухолиқов. — Иш ахтарувчиларнинг 66 нафари муҳим иш билан таъминланди. 10 нафар фуқаро касб-маҳоратини ошириш учун ўқишга жўнатилди. 62 нафар кишига вақтинчалик ишсизлик нафақаси тайинланди.

Таъкидлаш жоиз, ўтган уч ойда 319 та янги иш ўринлари яратилиб ишсиз фуқаролар иш билан таъминланди. Бироқ бу муаммога ечим эмас. Шу боис бу борадаги имкониятларни кенгайтириш чоралари кўрилаяпти.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### МЕҲНАТ ЯРМАРКАЛАРИ

***Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, янги иш ўринлари яратиш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётир.***

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни бу борадаги муҳим ҳужжатлар сирасига киради. Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан мазкур қонун ва тегишли ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида қўшимча иш ўринларини кўпайтириш, ёшларни касбга йўналтиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари яхши самара бераётир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятнинг бир қанча шаҳар ва туманларида 33 та меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Уларда олти юзга яқин корхона ва ташкилот уч мингга яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркаларга келган икки мингдан зиёд талабгорнинг мингга яқини доимий иш ўрнига эга бўлди.

### СЎНГГИ РУСУМДА

***Сирдарё туманида яна бир замонавий таълим маскани - олти юз ўринли касб- ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.***

«Бизнесстрой» хусусий қурилиш корхонаси бунёдкорлари бир миллиард икки юз етмиш миллион сўмликдан зиёд ҳажмдаги қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини муддатидан илгари якунлади.

Дарс хоналари сўнгги русумдаги ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан компьютер ва тўртта лингафон хонаси ҳам ташкил этилди. Шунингдек, бу ерда олти ярим мингдан ортиқ китоб фондига, қирқ ўринли мутолаа хонасига эга кутубхона, ёпиқ спорт зали, волейбол ва футбол майдони, туманнинг чекка қишлоғидан келиб ўқийдиганлар учун эллик ўринли шинам ётоқхона ва ошхона ҳам мавжуд.

## «Андижонтелеком» МИЖОЗ РАҲМАТИ ЭНГ ЯХШИ РАҒБАТ

*Ислоҳот ва самара*

***Бозор иқтисодиётининг ўз қонунияти бор. Ишда янгиликларни дадил қўллаган меҳнат жамоалари гуркираб ривожланиб боради. Аксинча йўл тутиб иккиланиш кайфиятига берилганлар, ўз устида жиддий ишламай сусткашликка йўл қўйганлар эса бу ҳаётий талабларга дош беролмай инқирозга учраб, четга сурилиб қолаверади.***

Ўз фаолиятимизни Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган "2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури"га мувофиқ олиб бораяпмиз. Ишчан жамоамиз ўтган йили 3453198,5 минг сўмликдан зиёд алоқа хизмати кўрсатишга муваффақ бўлди. Бу белгиланган режанинг 122 фоизини ташкил этди. Аҳолига 1644018,6 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилиб аввалги йилга нисбатан бу кўрсатгични 110 фоизга етказдик. Олинган умумий даромад эса 59,7 фоизга тўғри келди.

Маҳаллий ва шаҳарлараро алоқа, телеграф хизматидан ташқари замонавий факсимил, компьютер, интернет, уяли алоқа ҳаётимизда кун сайин мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда. Алоқа хизматини мижозга янада яқинлаштириш, қўшимча алоқа хизмат турларини кўпайтириш учун чет эл замонавий технологиялари ва инвестициялари жалб этилмоқда.

Хорижий инвестицияларни ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасига изчил жалб этиб келаяпмиз. Андижон вилоятида 1996 йилдан бошлаб қўлланиб келинаётган бу иш ўзининг самарасини бераяпти. Жанубий Кореянинг "ДЭУ" компанияси билан ҳамкорликда янги рақамли электрон АТСларнинг тўрттасини Андижон шаҳрида ишга туширдик. Бундай алоқа тармоқлари Асака, Хонабод ва Қорасув шаҳарларида ҳам фойдаланишга топширилди. Вилоятимизда телефон алоқасини рақамлаштириш бўйича бошланган бу янги босқич ишимизнинг сифатини янада яхшилашга имкон бермоқда. Шунингдек, EDCF кредити бўйича қурилган замонавий телефон станциялари ва 150 километрдан зиёд оптик толали алоқа линияси, Япониянинг Халқаро иқтисодий ҳамкорлик фонди – JBIC томонидан ажратилган маблағ ҳисобига ишга туширилган 273 километрли оптик толали алоқа линиясининг шарофати билан вилоятимиз шаҳар ва туманлари марказлари мижозларимиз замонавий ахборот тармоқларига уланиш имкониятларига эга бўлди.

Яна бир гап: Хитой Халқ Республикасининг Эксим банки томонидан ажратилган имтиёзли кредити асосида "Хуавей" компанияси билан ҳамкорликда Андижон шаҳридаги 25, 37, 46 – АТСлар, шунингдек, вилоят шаҳар ва туманлари марказларидаги эски АТСлар ўрнига 50 мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатишга мўлжалланган янги, рақамли электрон автомат телефон станциялари ва 2300 каналга эга бўлган АМТС қурилди. Ҳозирги кунда уларда ускуналарни монтаж қилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Янги замонавий алоқа жиҳозларини олиб келиб ўрнатишда "Хуавей" компанияси мутахассислари билан биргаликда "Андижон Телеком" филиалининг махсус билимга эга бўлган ёш мутахассислари ҳам иштирок этишаяпти.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилаётганлиги, айниқса, қувончли ҳолдир. Бу борадаги муҳим вазифаларни Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қарори талаблари асосида ташкил этган жамоа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эгаларини астойдил қўллаб-қувватлаб, уларга ўзининг юқори сифатли хизматини тавсия этаяпти. Ҳозирги кунда 101 та юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан 413266 минг сўмлик даромад олинди. Тадбиркорларни доим қўллаб-қувватлаш эвазига филиал жамоаси жойларда янги иш ўринларини яратишга ҳам муваффақ бўлмоқда. Ишчан жамоанинг саъй-ҳаракатлари билан вилоятда фаолият кўрсатаётган 78 та мини банкнинг ҳаммаси тўлиқ телефонлаштирилди. Шу билан биргаликда Андижондаги барча лицей ва коллежлар ҳам ўз телефонларига эга бўлишди.

"Андижонтелеком"да ўз ишига сидқидилдан меҳр қўйган, кўп йиллик бой иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам жамоанинг обрў-эътибори юқори, ютуқлари қувончли. Улар қўллаётган янгиликлар эса алоқа тармоғининг бугунги ривожига хизмат қиломоқда. Мижозларнинг раҳмати соҳа ходимлари учун энг яхши рағбатга айланмоқда.

**Бахтиёр МАНИЯЗОВ,**
**«Ўзтелеком» акциядорлик компаниясининг Андижон вилоят филиали директори**

*Тармоқ касаба уюшма кенгашларида*

# МАҚСАД УЛУҒ БЎЛСА

## чарчоқ ҳам сезилмайди

***Меҳнаткашларни жамият равнақи йўлида уюштириш, ижтимоий ҳимоя, соғломлаштириш тадбирларини ташкил этишда касаба уюшмалари алоҳида ўрин тутади. Меҳнат муносабатлари қонун доирасида, энг мақбул тарзда йўлга қўйилиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартларидан биридир. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Самарқанд вилоят кенгаши раиси Шуҳрат Деҳқонов билан мухбиримиз суҳбати ана шу мавзуда бўлди.***

**— Эндиликда эскича тушунчалар, эскича ёндошувлар билан ишлаб бўлмайди. Зеро, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи фаолиятнинг келгуси янги йўналишлари ва муҳим вазифаларини белгилаб берди. Шулардан бири жамоа шартномалари сифатини яхшилаш, бажарилиши учун томонларнинг масъулиятини оширишдир. Чунки жамоа шартномаси фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Тармоқ кенгаши тасарруфидаги муассасаларнинг бу борадаги аҳволи қандай ва мавжуд нуқсонларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилаяпти?**

— Жамоа шартномаси бутун фаолиятнинг, иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги муносабатларнинг асосидир. У пишиқ, мукаммал бўлса, кейинги ишлар шунга яраша бўлади. Шунинг учун тўрт-беш йил олдингига нисбатан жамоа шартномаларининг сифати анча яхшиланди. Федерация мутахассислари томонидан меъёрий ҳужжатларнинг намунавий нусхалари ишлаб чиқилаётгани ва пухта тавсиялар берилаётгани қуйи ташкилотлар ишини анча осонлаштирди. Жамоа шартномаларини экспертиза қилиш амалиётининг қўлланиши ҳам муҳим омил бўлди. Тармоқда бу борадаги ҳаракатларда изчилик ва мукаммалликка ҳар ҳолда эришилаяпти, десам муболаға бўлмайди. Чунки, қуйи ташкилотлар билан доимий иш олиб борилаяпти. Ўқув-семинарлар ўтказилаяпти, амалий ёрдам берилмоқда. Вилоят кенгаши раёсатининг мажлисларини кун тартибидаги масаланинг тегишлилиги бўйича ўша туманлардан бирида кўчма тарзда ўтказилиши қарорларнинг таъсирчанлиги ва ижро масъулиятини оширмоқда. Касаба уюшма ташкилотининг ҳаракатчанлиги, талабчанлиги иш берувчининг муносабатини ҳам ижобий томонга ўзгартиради. Иш берувчи мутасадди вакилларининг жамоа шартномаси мажбуриятлари бўйича ахборот ва ҳисоботларини касабақўм мажлисларида тингланиши ишда силжишга олиб келди. Жамоа шартномаси бандлари иш берувчи томонидан бажарилиши, яъни ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ўлароқ қондирилиши пировардида муассасада умумий иш самарали бўлишини таъминлаяпти.

Жамоа шартномаси бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш хусусида гап кетганда, «ким айбдор» деган саволни кўндаланг қўймаслик керак, фикримизча. Ўзаро меҳнат муносабатлари қонун доирасида бўлишини таъминлайдиган механизмни ҳаракатга келтириб юбориш керак, холос. Чунки меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари орқали ташкил этиш замирида улкан ғоя, мақсад бор. Ҳамма гап расмиятчилик, тўрачилик, қоғозбозлик иллатларидан тўла қутилиб, ҳар кунлик масалаларни ўз вақтида ҳал этишда, жамоага дахлдор муаммо ва ўзгаришларга ҳозиржавоб бўлишдадир. Жамоа шартномаси бандларида масала қанчалик амалий, аниқ мақсадли бўлса, ижросини таъминлаш шунчалик осонлашади. Бу борада тармоқ касаба уюшма Пайариқ, Самарқанд, Пастдарғом туманлари кенгашларининг иш тажрибалари бошқаларга намуна бўлиши мумкин.

**— Тармоқда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари ўзига хос хусусиятга эга. Кейинги йилларда таълим муассасаларининг замонавий ўқув ускуналари билан қайта жиҳозланиши мазкур масалага муносабатни ўзгартиришни, жиддийроқ ёндошишини тақозо этмоқда. Аммо иш берувчилар меҳнат муҳофазаси тадбирларини талаб даражасида амалга оширишга шошилишмаяпти, шекилли. Сиз бунга нима дейсиз?**

— Бу борадаги ишлардан ҳам қониқиш мумкин. Тўғри, ҳамма масалалар талаб даражасида ҳал этилган, дея олмайиз. Бироқ режали, мунтазам иш олиб борилаяпти. Тармоқ вилоят кенгаши томонидан халқ таълими бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси бўйича меъёрий ҳужжатлар тўплами, тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқилиб, бошланғич ташкилотларга, иш берувчиларга етказилди. Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда тармоқ муассасаларида меҳнат муҳофазаси бўйича кўрик-танлов ўтказилаётгани, бу борада жамоатчилик назорати ташкил этилгани ишлар аҳволини сезиларли даражада яхшилади. Ўтган йили Самарқанд, бултур Пайариқ туманлари республика кўрик-танловида муваффақиятли қатнашди. Қисқа вақтда эришилган бу ўзгаришлар меҳнат муҳофазаси тадбирларига нечоғли аҳамият берилаётганини англатади.

Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги оғриқли нуқта шундаки, мактаб ва боғчаларда профессионал мутахассислар етишмайди. Шу сабабли ҳозир тегишли вилоят бошқармалари билан биргаликда қисқа муддатли ўқувларни йўлга қўйиш ҳақида фикрлашаяпмиз. Бу ҳам меҳнат муҳофазасини яхшилашга туртки бўлади, деб ўйлаймиз.

**— Кенг кўламли ижтимоий ўзгаришлар натижаси ўлароқ фикрлаш тарзини, дунёқарашни айниқса, одамларнинг касаба уюшмаларига нисбатан истеъмолчилик кайфиятини ўзгартириш фурсати етди. Зеро, касаба уюшмаларининг вазифаси йўлланмалар ажратишу моддий ёрдам беришдангина иборат эмас. Шундай эмасми?**

—Йиллар давомида шаклланган тушунчаларни ўзгартириш осон бўлмайди. Эндиликда жамоанинг ишончини оқламайдиган, муаммоларини ҳал қилолмайдиган касаба уюшма ташкилоти, унинг етакчиси кўзланган мақсадга эришолмайди. Бундан буёғига касаба уюшма қўмитаси корхона, муассасада ходимлар учун иқтисодий, ҳуқуқий маслаҳат, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя маркази, янгиланишлар ташаббускори бўлиб қолиши керак.

**— Бунинг учун ҳуқуқий билим ва маданият етарлими? Меҳнаткашларга касаба уюшмаларга аъзоликнинг афзаллигини тушунтира олаяпмизми?**

— Ҳамма гап шунда. Эндиликда ишнинг тақдири биринчи галда етакчиларнинг билими, қатъияти, мулоқот қобилияти, ишчанлик даражасига боғлиқ бўлиб қолди. Уларни айни мана шу хислатларига кўра танлашимиз керак. Бу соҳага ҳам Президентимизнинг миллий кадрлар тайёрлаш, баркамол авлодни тарбиялаш ғоясини тўлалигича тадбиқ этиш жуда муҳим. Жамоа шартномалари матнида мужассам мақсадларни рўёбга чиқариш ана шуни тақозо этади. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган йиғилишида, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойида, Федерация кенгаши раёсати ижроия қўмитасининг Самарқандда бўлиб ўтган кўчма минтақавий ўқув семинарида муҳим вазифалар белгиланди. Ҳуқуқий соҳада ваколат масъулияти деган тушунча бор. Уни чуқур ҳис этган етакчиларгина давр талабига мос ишлай олади. Оммага аъзоликнинг афзаллигини тўғри тушунтириш учун уларнинг касаба уюшма ташкилоти фаолиятидан кўпроқ воқиф этиш шарт. Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга қодирлигини билгандагина кишилар бу ташкилотга иккиланмай аъзо бўлади. Зеро, касаба уюшмалари чуқур илдизларга, кенг кўламли амалий фаолиятга эга бўлган энг оммавий ташкилотдир.

**Суҳбатдош:**
**Рустам ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

(Боши 1-бетда)

# САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳи Россия Федерациясининг Федерал молиявий мониторинг хизмати ташаббуси билан 2004 йил октябрда ташкил этилган. Ўтган йили декабрь ойида Ўзбекистон бу ташкилотга доимий аъзо бўлиб кирган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров билан музокарада меҳмонлар мамлакатимиз прокуратура органлари тизими, фаолияти ва соҳани ислоҳ қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2001 йилда Бош прокуратура ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилган эди. Мазкур тузилма бугунги кунда юртимизда иқтисодий қонунбузарликларга барҳам беришда самарали фаолият кўрсатаётир.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг миллий тизими ҳамда молия разведкасини шакллантириш масалалари Ўзбекистон сиёсатида муҳим ўрин тутади. Учрашувда жорий йил январда юртимизда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кириши бу борадаги улкан қадам бўлгани алоҳида таъкидланди.

Евроосиё гуруҳи вакиллари шу куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов билан ҳам учрашди. Суҳбатда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг банк тизими орқали олдини олишга қаратилган чора- тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ қилиш масалалари, шунингдек, ушбу соҳа бўйича банклар фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни Евроосиё гуруҳи ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тавсиялари асосида такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Делегация аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳам музокара ўтказдилар.

**(ЎзА)**



# ФИДОЙИ ЙЎЛСОЗЛАР

***Айни пайтда республикамизда автомобил йўлларини кенгайтириш, таъмирлаш, сақлаш ва янгиларини барпо этиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини бажаришда кўплаб турдош соҳа ташкилотлари қатори «Сирдарёавтойўл» йўл қурилиш ҳудудий шуъба ташкилоти йўлсозлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.***

Чунончи, шу кунларда 4R29 — «Гулистон-Гагарин» йўлидаги устки қоплама ётқизиш ишларида меҳнат қилаётган йўлсозларнинг қўли-қўлига тегмайди. Шунингдек, иккинчи қопламани ётқизиш ишларида Андижон кўприклардан фойдаланиш бошқармаси ҳамда Мирзаобод автомобил йўллардан фойдаланиш ва махсус кўприк қуриш корхонаси йўлсозлари ҳам яқиндан кўмак бермоқдалар.





Эътиборли томони, бу ерда барча йўлсозлар учун муайян шароитлар яратилган. Ишга келиб-кетиш учун автобуслар ажратилган. Ходимлар иссиқ овқат билан таъминланган. Муҳими, йўл қуришнинг ўзига яраша машаққатини ҳис этган йўлсозлар аввало йўлнинг пастки ва устки қисмларини пухта тайёрлашга ҳамда сифатли қилиб асфальт ётқизишга эришмоқдалар. Бу эса ўз навбатида иш унуми ва сифатини яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Акмал АЛЛАМУРОДОВ,**
**«Ишонч» мухбири**
**Суратларда: йўлсозлар иш фаолиятидан лавҳалар**

## “ЖАЙКА”НИНГ НАВБАТДАГИ ГРАНТИ

Янгиер шаҳар ногиронлар жамияти Япониянинг “Жайка” ташкилоти ўтказган танловга лойиҳа тақдим этиб, 23 минг долларлик грантни қўлга киритди.

Яқинда мазкур грантни топшириш маросими ўтказилди. Ногиронларни касб-корга ўргатиш учун Янгиер шаҳар ногиронлар жамиятига 10 та замонавий копьютер жамланмаси, 10 та тикув машинаси, ошхона жиҳозлари, сартарошлик асбоб-ускуналари тақдим этилди. Тез кунларда жамият қошида ўқув курслари иш бошлайди. Унда ногиронлар бир неча касб бўйича сабоқ олишади.

# БОШ МАВЗУ

## юқумли касалликларнинг келиб чиқиши сабабларига қаратилди

***Сўнгги йилларда дунё халқлари орасида ҳар хил касалликларнинг авж олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, безгак, сил ҳамда СПИД билан касалланаётганлар сонининг ортиб бораётгани янада ачинарли. Шунингдек, олдинлари фақат ёш болалардагина учрайдиган қизамиқ билан бугунги кунда 18-20 ёшдагилар ҳам касалланмоқда.***

Бундан ташқари, республикамизда 13 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёл ва қизларда қизилча касаллиги аломатларининг топилаётгани ҳам ташвишли ҳолдир. «Экосан» экология ва саломатлик маркази ташаббуси билан Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эпидемиология-микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтида бўлиб ўтган илмий-амалий конференциянинг бош мавзуси ҳам турли хил касалликларнинг келиб чиқиш сабабларига қаратилди.

Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат», «Сувсоз» корхонаси ҳамда Тошкент тиббиёт академияси каби қатор ташкилотлардан вакиллар қатнашдилар. Эпидемиология-микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор М.Ахмедова ўз маърузасида эпидемиологик касалликларнинг олдини олиш борасида клиникада амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди. Шунингдек, у институтда юзага келаётган айрим муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида ҳам фикрлар билдирди.

Илмий-амалий конференцияда, шунингдек, экологик муҳитнинг инсон саломатлигига таъсири, йод танқислиги, ногирон болаларнинг туғилиши, темир танқислиги, ҳамда камқонликнинг салбий оқибатлари ҳақида маърузачиларнинг фикрлари тингланди. Ҳар хил юқумли касалликларнинг олдини олиш, чиқиндилар тарқатадиган газларнинг зарари, сифатсиз маҳсулотлар истеъмол қилиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликлар ҳақида қатнашчиларга тушунчалар бериб ўтилди.

**Роза САЙДАҲМЕДОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ислоҳот мевалари*

# ХАЛҚАРО СИФАТ СЕРТИФИКАТИ СОҲИБИ

***Яқинда «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятида ажойиб хушхабар тарқалди. Давр талабига жавоб бера оладиган «ISO 9001» сифат менежменти тизими бўйича корхона халқаро сертификатга сазовор бўлди. Жамоа Ўзбекистон бинокорлик материаллари саноати компанияси корхоналари орасида «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятидан кейин иккинчи бўлиб ана шундай ёрлиққа муносиб, деб топилди.***

— Бир йил муқаддам «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятида бўлиб корхона ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш соҳаларида халқаро талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни тайёрлаш йўлида катта ишларни амалга оширганлигининг гувоҳи бўлган эдик, — деди корхона бош технологи Иброҳим Абдураҳмонов. — Корхонамизга қайтгач, «ISO 9001» сифат менежменти тизими талабларини ўргандик. 2005 йилнинг ноябр ойида эронлик мутахассис, жаноб Шервин бошлиқ гуруҳ корхонамизда бўлиб, бош мутахассислар ва цех бошлиқлари билан савол-жавоблар ўтказди. Бевосита корхонадаги ишлаб чиқариш линиялари, янгидан бунёд этилган компрессор, цехлар кўздан кечирилди. Корхонамиз халқаро сертификатга муносиб, деб топилиб, зарур ҳужжатлар Олмонияга юборилди.

Шу йилнинг 24 феврал куни эса «RW TUV» компанияси директори Риад Ибрагимов корхонага «TUV SERT» халқаро сертификатлаш компанияси томонидан сифат менежменти тизими бўйича халқаро сертификатни топширди.

**— Иброҳим Баҳодирович, ўзингиз айтганингиздай мана корхона сертификат ҳам олди. Энди бунинг қандай имтиёз ва афзалликлари бор?**

— Корхонамиз маҳсулотларининг халқаро ва замонавий талабларга мос ҳамда рақобатбардош сифатида эътироф этилгани зиммамизга катта масъулият юклайди. Эндиликда ишлаб чиқариш ва сифат учун нафақат биринчи раҳбар, балки оддий ходимгача ҳамма жавобгар бўлади. Гапнинг қисқаси, янги линияларни билимдон ва серғайрат одамлар бошқаради. Илгаридек бировнинг соясида қолиб кетадиган одам бўлмайди. Иш ўринларини шаҳодатлаш ҳам шу талабларга жавоб беради.

Жумладан, ҳар бир цех ва бўлимнинг сифат менежменти тизимидан келиб чиқадиган мажбуриятлари ишлаб чиқилиб, улар кўзга кўринарли жойга осиб қўйилган. Мазкур тизим бир неча жараённи ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бир жараёни ўзига хос бўлиб, алоҳида-алоҳида вазифаларига эга.

**— Дастлабки натижалар қандай?**

— Илгарилари йилнинг биринчи чорагида маҳсулотимизга талаб ўртача бўлиб, иккинчи ва учинчи чоракда бу эҳтиёж ортиб кетарди. Ҳозирда эса умуман бошқача, масалан, амалдаги йилнинг январ, феврал ойларида ҳам маҳсулотимизга талаб юқори бўлди. Шуни ҳисобга олиб, корхонамиз раҳбарияти яна бир қўшимча линия ўрнатишни мўлжалламоқда. Агар белгиланган режалар амалга ошса, мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги арафасида у янги маҳсулот бера бошлайди. «Сифат менежменти тизими» бўйича ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини замонавий ва уддабуронлик билан сифатли бошқариш бизга катта самара бермоқда. Бунинг натижасида маҳсулот сифатига истеъмолчилар томонидан бўлаётган эътирозлар ўз-ўзидан барҳам топмоқда. Шифер ва қувур цехларига ўрнатилган сув конвейерлари маҳсулотнинг пишиқ-пухталигини таъминлаяпти.

**— Даромадга қараб буромад, деганларидек ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорликлари анча ошган бўлса керак?**

— Албатта. Мисол учун 2002 йилда ҳар бир акцияга 2450 сўм дивидент берилган бўлса, 2004 йилда 4377 сўмданга тўғри келди. Ёки 2002 йилда ишлаб чиқаришдан 1,5 миллиард сўм соф даромад олингани ҳолда, 2004 йилда бу рақам 2,1 миллиард сўмни ташкил этди. 2005 йилнинг бизнес-режаси, яъни, маҳсулот ишлаб чиқаришни 1 декабрдаёқ уддаладик. Ўтган йили эса олинган соф фойда 4 миллиард сўмга яқин бўлди.

**Озод ХУШНАЗАРОВ**




# МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

Қарши ўрта тиббиёт ходимлари ва доришунослари малакасини ошириш билим юртида ҳар йили 2700 нафар ўрта тиббий ходимлар ўз малакасини оширадилар. Ўқув даврида улар тиббиёт соҳасидаги янгиликларни, янги ишлаб чиқилган тиббий жиҳозлардан фойдаланиш усулларини ўрганадилар.

— Билим юртимиз, — дейди билим юрти директори, тиббиёт фанлари номзоди Нақишванд Ражабов, — энг замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган. Олис туманлардан келган малака оширувчилар учун ётоқхоналар мавжуд.

Талабалар билан тиббиёт фанлари докторлари, фан номзодлари ва олий тоифали шифокор-мутахассислар машғулот олиб борадилар. Энг асосийси, барча машғулотлар вилоят марказий шифохоналарида ўтказилади. Кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари талабалар ихтиёрида.

**Суратда: Қарши ўрта тиббиёт ходимлари ва доришунослар малакасини ошириш билим юрти директори, тиббиёт фанлари номзоди Нақишванд Ражабов талабалар билан маънавият хонасида.**

**Ш.ШАРОПОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

*Меҳнат муҳофазаси*

# САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР НАТИЖАСИДА

## бахтсиз ҳодисалар 3,3 бароборга қисқарди

***Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркор ва фермерлар учун катта имкониятлар яратилаяпти. Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунга ёрқин мисол бўла олади.***

Унинг асосий мазмун-моҳияти тадбиркорлик субъектларининг молиявий хўжалик фаолиятларига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш ва текширишларни янада камайтиришдан иборат. Жумладан, кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликларининг молиявий хўжалик фаолиятлари юзасидан текширишлар ўтказиш фақат давлат солиқ инспекцияси томонидан тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик юритувчи субъектларда молиявий хўжалик фаолияти юзасидан текширишлар ўтказиш уч йилда бир марта амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Ҳар қандай ноқонуний текширишлар юзасидан интизомий чоралар кўриш, бу текширишлар жараёнида хўжаликка етказилган молиявий зарарни текширувчи органдан ундириш ва ҳатто жиноий ишлар қўзғатилиши мумкинлиги ҳам Фармонда алоҳида таъкидлаб ўтилган. Янгидан ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари эса давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб, уларнинг молиявий хўжалик фаолиятларига аралашишга икки йил муддат ичида умуман йўл қўйилмайди.

Мазкур Фармон Бухоро вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ходимлари зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Олдинги йилларга нисбатан текширишлар 10 маротаба қисқартирилди. Текширишлар давомида хўжалик юритувчи субъектларда уларнинг молиявий фаолиятига мутлақо аралашмасдан фақат меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунчилиги талабларининг бажарилиши ўрганилиб, уларга бу борада амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шу билан бирга меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари томонидан вилоятимизда янги ташкил қилинган 100 дан ортиқ фермер хўжаликлари меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил қилиш бўйича тузилган қўлланма билан таъминланди. Пешку, Шофиркон, Ромитан ва Жондор туманларидаги қишлоқ фуқаролари йиғинларида эса шу ҳудуддаги фермер хўжалиги ва микрофирмалар раҳбарлари иштирокида меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунчилиги бўйича семинар йиғилишлар ўтказилди.

Шунингдек, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси ишларини янада яхшилашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, шаҳар, туманлар ҳамда бевосита корхона ва ташкилотларда, семинар-йиғилишлар ўтказилди. Бундай амалий тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Вилоятда ўтган йилда ишлаб чиқаришда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар 2004 йилга нисбатан 3,3 баравар камайди.

Давр бу борада кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни, корхона ва ташкилотлар, айниқса, микрофирмалар ва фермер хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатишни тақозо этмоқда. Бу дегани, соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўп.

**Б.ФАЁЗОВ,**
**Бухоро вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи**

**Ислом КАРИМОВ:**
***Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.***

# ҚАЛБЛАРДА ВАТАН МЕҲРИ

## САДОҚАТ

***Ватан ҳимоячиларининг асосий вазифаси тезкорлик, жанговар тайёргарлик самарадорлигини янада ошириш, шахсий таркибнинг касб кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни, фуқаролар бунёдкорлик меҳнатини ҳимоялашдан иборат.***

Республика Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинларининг Шайҳали қўрғонидаги қисмида хизмат қилаётган лейтенант Роман Кириленко «Энг яхши қисм командири» йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълочиси, ўктам ва жасур йигит қалбида Ватанга тенгсиз меҳру муҳаббат, киндик қони томган муқаддас тупроққа садоқат туйғулари жўш уради. Ҳарбий касб ва ватанпарварлик бурчини виждонан адо этиш, юксак профессионализм ёш командирдаги одамохунлик, дўст-биродарларига ҳурмат-эътибор каби инсонийлик хислатлари билан уйғунлашиб кетган.

Офицерлик касбини эгаллаган ёш Роман бундан икки йил муқаддам хизматдоши лейтенант Нурулла Гулбоев мамлакатимиз ҳарбий бўлинмаларидаги «Энг яхши қисм командири» номига сазовор бўлганида, унга ҳавас ва ҳайрат билан боққан эди.

Орадан кўп вақт ўтмади. Лейтенант Р.Кириленко кўрик-танловнинг ҳал қилувчи босқичига чиқди ва ғолибликни эгаллади. Оддий машқлардан тортиб, уч километрга югуриш, пистолетдан ўқ отишда аниқ нишонга олиш, жисмоний ва маънавий баркамоллик қобилияти билан ҳайъат аъзолари ва ҳамкасбларини қойил қолдирди.

— Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимдаёқ ҳарбий бўлишни орзу қилардим, — дейди йигирма уч ёшли командир. — Спорт билан мунтазам шуғулланиб, ўқ отиш бўйича машқларда қатнашдим. Тест синовларини муваффақиятли топшириб, қуролли кучлар сафига қабул қилиндим.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Тошкент Олий ҳарбий техника ўқув юртини муваффақиятли тугаллаган офицер икки йил илгари йўлланма билан ҳарбий қисмга келган эди. Ёш лейтенант ўқув юртида ўзига мураббийлик қилган подполковник Акмал Режибоев ва майор Александр Семеховларнинг номларини ҳурмат билан тилга олади.

Ҳар бир миллатнинг етуклиги, шахснинг маънавий камолоти ватанга меҳр-муҳаббати билан белгиланади. Бу муқаддас туйғу инсон қонига она сути билан киради, волида алласи билан камол топади, падари бузрукворн тарбияси ва намунаси билан улғаяди. Романнинг отаси майор Владимир Кириленко ҳам ҳарбий, кўп йиллардан бери қоровул қўшинлари сафида хизмат қилади. У ўғлининг ҳарбийлар сулоласига муносиб фарзанд бўлиб етишганидан мамнун.

— Бугун армия сафларида Она юртини жону дилидан севган, халқига содиқ, маънан, жисмонан камол топган, юрагида ўти бор ўғлонларимиз хизмат қилмоқдалар, — суҳбатни давом эттиради ҳарбий қисм командири полковник Владимир Бударников. — Чунки ҳарбий бўлиш, зиммасига эл-улус ҳимоясидек энг оғир масъулиятни олиш инсондан катта жасорат ва чуқур билимни талаб этади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



## СЕРЖАНТЛАР МАКТАБИ

***Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Қаршидаги сержантлар мактабида таълим олувчилар учун барча қулайликлар яратилган. Кенг ва ёруғ ўқув зали, ётоқхона, ошхона, клуб, стадион, назарий билимларни амалда синаб кўрадиган майдон бўлғуси командирлар хизматида.***

Қуролли кучларда сержантлар муҳим ўрин тутади. Чунки, профессионал армия аскарларини ҳам ғоявий-сиёсий, ҳам жисмоний, ҳам жанговар тайёргарликдан ўтган кичик командирлар тарбиялайдилар.

Курсантлар ва офицерлар давлатимиз раҳбари, Қуролли кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов билан учрашувларини умрбод унутмайдилар.

Битирувчилар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида хизмат бурчини адо этишади. Яқинда илм масканини муваффақиятли тугаллаган 250 нафар курсант чегарачилар сафига қўшилди. Курсантларга майор Р.Матчонов, Н.Кубаков, мактаб бошлиғи подполковник Ш.Ўринов, мураббийлар — подполковник М.Назаров, С.Ибрагимов, ўқув бўлимининг катта офицери Ж.Отабоевлар ҳарбий билимларни пухта эгаллашларида яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Мактабимиз жамоаси курсантларнинг назарий жиҳатдан мукаммал бўлишлари, жисмоний ва жанговар тайёргарликда юқори натижаларга эришишлари, профессионал ҳарбий хизматчи сифатида камол топишлари учун ўзларининг билим ва тажрибаларини аяшмаяпти.

**Олим ЙЎЛДОШЕВ,**
**Қаршидаги сержантлар мактаби бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари**

## АКА-УКА ЗОБИТЛАР

***Ҳар гал ёзги таътилга келганида Аъзамжон баланд чўққиларга, юлдузли феруза осмонга ҳавас билан тикилади. Тоғнинг тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олади. Бошқа ҳамкасблари қатори ватанимиз ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларини, халқимизнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва осойишталигини қўриқлаётганидан ғурурланади.***

Тумандаги 32-ўрта мактабни аъло баҳоларда тугаллаган Аъзамжон ёшлигидан ҳарбий бўлишни орзу қиларди. Буюк жаҳонгир Амир Темур юртида, қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабзнинг Шавкан қишлоғида вояга етган жасур йигит 1994 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширди. Мактабда олган билимлари, жисмоний тарбия ва спорт билан тинимсиз шуғулланганлиги самара берди. Кириш синовларидан ўтиб, курсантлар сафига қабул қилинди.

Билим юртида жисмоний машқларни мукаммал ўрганиб, ҳарбий қуролни ишлатишни пухта эгаллаган қишлоқ фарзанди Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда хизмат вазифасини адо эта бошлади. Талабчан, фидойи, эпчил ва хизмат машаққатларини қалбдан ҳис этадиган лейтенантни қўл остидаги аскарлар ёқтириб қолишди. Ҳалол хизмати учун қисм раҳбарияти томонидан бир неча бор тақдирланди. Мамлакатимизнинг стратегик ва ҳарбий қудратини ошириш учун аскар ва зобитлар ўртасида тартиб-интизом ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, билим ва малакасини кенгайтириб бориш лозимлигини тушуниб етди.

Зобитлик фаолиятини Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида давом эттираётган Аъзамжон Каримов радио-электрон ҳимоя соҳасида билимларини янада бойитди. Ҳозирги пайтда капитан унвонини олган матонатли йигит ротага командирлик қилаяпти.

— Ўзбекистон Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳотлар армияни модернизациялаш, ҳарбий хизмат нуфузи ва ҳарбийларнинг касб маҳоратини ошириш, уларни ижтимоий муҳофазалашга қаратилган, — дейди капитан А.Каримов. — Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин самарасидир.

Аъзамжоннинг отаси Абдусами ака ва онаси Маҳфират опа фарзандларининг эл корига ярайдиган ватанпарвар бўлиб етишганидан бениҳоя мамнун. Қарангки, яна бир ўғиллари Акбаржон ҳам акаси изидан бориб, Тошкент Олий Умумқўшин қўмондонлик билим юртини битирди. Капитан Акбаржон Каримов хизматни аъло даражада ўтаганлиги ва беқиёс матонати туфайли «Жасорат» медали билан мукофотланди.

Аъзамжон ва Акбаржон навбатдаги таътилда уйларига келишганида, бутун қишлоқ йиғилади. Акаукаларнинг устига ярашган ҳарбий либосга жажжи болакайлар ҳавас билан тикилишади. Зобитларнинг опаси, шифокор Нигорахон, укалари Анваржон, Сарваржон, Иброҳимжонлар жигаргўшаларига ҳамиша омад тилашади.

— Киндик қонимиз томган табаррук гўша билан фахрланамиз, — дейишади ака-ука зобитлар. — Президентимизнинг йигитлик бурчини ўтаётган ёшларга қарата айтган қуйидаги сўзларини ҳеч қачон унутмаймиз: «Сенинг Ватанинг битта — гўзал ва бетакрор Ўзбекистондир. Бу ерда аждодларингнинг муқаддас ҳоки ётибди. Ушбу муқаддас замин сени улғайтирди ва сен уни обод этишинг, ҳар қандай бало-қазолардан ҳимоя қилишинг даркор. Нафақат сенинг, балки сенга умид ва ишонч кўзларини тиккан жигарбандларинг — кексалар, ота-оналар, умр йўлдошинг, фарзандларинг ҳаёти ҳам сен ўз бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ».

Ака-ука зобитлар она Ўзбекистон билан фахрланишади.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

## ЧЕГАРАЛАР ДАХЛСИЗ

***Ватан ҳудудлари чегарадан бошланади. Уни қўриқлаш учун қўшинларимизда энг сара, маънан ва жисмонан бақувват, замонавий қуролларни ишлата оладиган, техникаларни маҳорат билан бошқарадиган мард ва жасур аскарлар хизмат бурчини ўташаяпти.***

Уларга маданий-маиший шароит яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, Шаҳрисабз туманидаги чегара қўшинларига қарашли Н-қисм аскар ва зобитлари учун ҳарбий шаҳарча қуриб, фойдаланишга топширилди. Қўли гул қурувчилар кучи билан ҳар жиҳатдан қулай, замонавий ётоқхона ҳам қад ростлади. Ҳарбий қисм офицер, сержант ва аскарлари учун тиббиёт муассасаси, гигиена ва ювиниш хоналари бунёд этилган. Ошхона ишлаб турибди.

Ҳарбийларнинг хизмат бурчини ўташи учун шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялашда касаба уюшмалари ҳам четда қолаётгани йўқ. Улар вақти-вақти билан қисмимизга ташриф буюришиб, аскарлар ва зобитларга совғалар улашишади. Касаба уюшмалари томонидан ҳарбийларнинг ижтимоий ҳимоялаш бўйича кўрсатилаётган ғамхўрлик биз чегарачиларни она юрт сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш йўлида фидойилик билан хизматга, ҳар сонияда ҳушёр ва сергак туришга чорлайди.

**Фахриддин САЛОМОВ,**
**ҳарбий қисм командири, подполковник**

## АСКАР УЙГА ҚАЙТДИ

***Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳалласида ҳарбий хизматини ўтаб уйга қайтган йигитларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Республика Мудофаа вазирлиги ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда аскарларнинг оила аъзолари, вазирлик ҳамда Чегара қўшинлари қўмондонлик таркиби вакиллари ва маҳалла оқсоқоллари иштирок этди.***

Бугунги кунда мамлакатимиз Қуролли кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти замон талабаларига жавоб берадиган тезкор, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол яроғ ва техникага эга бўлган миллий армияни шакллантиришдан иборат. Бу эса ҳар бир ҳарбий хизматчидан масъулият ва ҳар томонлама юксак малакага эга бўлишни ҳамда руҳий тайёргарликни талаб қилади. Муддатли ҳарбий хизматга кетиб ўз йигитлик бурчини ўтаб қайтган бир гуруҳ йигитларни кутиб олиш маросимида худди шу масалага алоҳида урғу берилди. Хизмат чоғида жанговор ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ҳамда ҳарбий интизомда намуна кўрсатган йигитлар номига илиқ фикрлар билдирилди.

## УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

***Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонунлари кучга кириши армиямизнинг эл-юрт олдидаги нуфузини янада оширди.***

Бугунги кунда ҳарбий хизматга Ватан сарҳадларини ишончли ҳимоя қила оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёшлар қабул қилинаяпти. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти жамоаси ҳам армиямиз сафларига соғлом ва бақувват йигитларни танлаб олиш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратган. Бунда «Шуҳрат» орденининг учала даражаси соҳиби Саид Ниёзов билан ўтказилган учрашув айниқса қизиқарли бўлди. Иккинчи жаҳон уруши фахрийси ўз хотираларини сўзлаб берар экан, йигитларни юртга садоқатли бўлишга, ҳарбий хизматчиликдан фахрланишга даъват этди.

«Ватанпарвар» ташкилоти республика кенгаши раисининг ўринбосари Ш. Жўраев ва вилоят кенгаши раиси З. Раҳматов, туманимиздаги чегарачилар ҳарбий қисмидан майор Н.Ҳакимов, капитан М.Шерматовлар билан мулоқотларда она юрт посбонларининг масъулияти ҳақида сўз юритилди.

«Дўстлик» маҳалласида истиқомат қилаётган иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, байналмилалчи жангчилар билан яқинда армия сафида йигитлик бурчини ўтаган ёшлар билан бир пиёла чой устида учрашув уюштирилди. Гурунгда сўз олган иккинчи жаҳон уруши фахрийлари Қ. Алиев, Қ. Эшқобилов, маҳалла оқсоқоли А. Бобохонов, ҳарбий хизматдан қайтган З. Мавлонов ва бошқалар уч авлод вакиллари ҳамкорлиги, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз осойишталигини таъминлашда Қуролли Кучларнинг хизмати беқиёслиги хусусида фахрланиб гапирдилар.

**Л.АБДУРАҲМОНОВ,**
**Шаҳрисабз туман мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти автомобил мактаби директори**



## СИЗ БИР ЁНДАН, БИЗ БИР ЁНДАН

Ҳарбийликдек машаққатли ва масъулиятли касбни танлаганлар орасида хотин-қизлар сони кўпаймоқда.

Тошкентда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида «Шуҳрат» медали соҳибалари Муҳайё Неъматова, Шаҳло Акбарова, Салима Бўтаева каби дугоналарим билан учрашиб, бир олам таассурот билан қайтдим.

Аввало, ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан ғоят миннатдормиз. Миллий армиямизда хизмат қилаётганимдан ҳамиша фахрланаман.

Тоғлар, қир-адирлар шароитида ўтказиладиган ўқув машғулотларида фаол қатнашиб, аскар ва зобитларга тиббий ёрдам кўрсатамиз. Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётганлигим битмас-туганмас куч-ғайрат ва ифтихор уйғотади.

**Зебо ҚЎЛДОШЕВА,**
**Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округининг санитар йўриқчиси, кичик сержант**

## РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ДАРАХТЛАР

***Иккинчи жаҳон урушида жон бериб, жон олган биз фахрийлар учун тинчликнинг қадр-қиммати беқиёс. Фронтдан қайтиб келгач, қишлоғимизда боғу роғлар бунёд этишга аҳду паймон қилдим.***

Бундан йигирма саккиз йил муқаддам қуролли кучлар сафида хизматни ўтаган дўстим билан учрашгани бордим ва Россия ўрмонларидан сосна дарахти уруғини олиб келиб, кўпайтирган эдим.

Кўп ўтмай, қишлоғимиздаги 260 оила мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўстириш билан шуғуллана бошлади. Айни пайтда кўчат етиштиришдан катта фойда кўришаяпти. Улар ўстирган ниҳоллардан шаҳар ва қишлоқларимиз кўкаламзорлаштирилиб, обод бўлиб бораяпти.

Ям-яшил боғу роғларга боқар эканман, даҳшатли фронт ҳаётини эслайман. Фарзандлар, невара-чевараларга уруш хотиралари ҳақида сўзлаб берар эканман, ёшларни осойишталик қадрига етишга чорлайман.

**Норқурбон бобо ТЎХТАЕВ,**
**Шербек фуқаролар йиғини Сайёд қишлоғида яшовчи уруш фахрийси**

## ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРГА САЁҲАТ

***Яқинда Қашқадарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ҳарбийларнинг воҳанинг тарихий манзилгоҳларига саёҳати уюштирилди.***

Ҳарбий қисмларнинг аскарлари ва зобитлари дастлаб Ғузор туманида жойлашган Тоҳир ва Зуҳра мемориал мажмуаси билан танишдилар. Туман халқ таълими бўлими мудири, тадқиқотчи Ҳусниддин Нуриддинов халқ эпоси қаҳрамонлари хотирасига қурилган ёдгорлик тарихи ва унинг вужудга келиши ҳақида сўзлаб берди.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабздаги Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Буюк бобокалонимиз томонидан бунёд этилган Оқсарой, Шамсиддин Кулол мақбараси, Кўкгумбаз масжиди ва бошқа зиёратгоҳларни аскарлар катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейидаги осори-атиқалар ёшларнинг ҳайратини оширди. Шаҳрисабзнинг ноёб ёдгорликларидан 19 таси ЮНЕСКОнинг «Умуминсоний қадриятлар» китобига киритилганлиги, музей фондидаги қадимги даврга оид археологик топилмалар, Қарши чўлидаги сардоба ва бошқа аждодларимиздан қолган табаррук жойлар ҳарбийларнинг воҳа тарихи билан танишишида муҳим аҳамият касб этди.

**Илҳом ЁҚУБОВ,**
**Лутфилла БАКИРОВ,**
**оддий аскарлар**

## НАМУНАЛИ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

***Туманимизда армияга кузатиш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни кутиб олиш маросимлари кенг жамоатчилик, ота-оналар, фахрийлар, маданият ходимлари иштирокида тантанали равишда ўтказилади.***



Умумтаълим мактабларида ёшларни чақириққача тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир йигит-қизда ватанпарварлик ҳисларини тарбиялаш, жисмоний ҳозирликни оширишга жиддий эътибор берилаяпти. Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, байналмилалчи жангчилар ва ҳарбийлар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланган.

Карим Раҳмонов номли умумтаълим мактабининг ёшларни чақириққача тайёрлаш раҳбари Сирожиддин Санокуловнинг фидойилиги туфайли у ишлаётган жамоа вилоятдаги энг намунали таълим маскани, деб тан олинди. Бундай ибратли ишлар Алиқул Имомов, Шароф Рашидов ва Мурод Бобоев номли мактабларда ҳам амалга оширилаяпти.

Туман мудофаа ишлари бўлими, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз ўқувчи-ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган.

**Санжар ЖУМАЕВ,**
**Косон туман халқ таълими бўлими чақириққача ёшларни тайёрлаш бўйича услубчиси**

## УРУШНИНГ НОМИ ЎЧСИН

Ёшлигим Ҳисор тоғлари бағридаги Ошкон қишлоғида ўтган. 1942 йилда, йигирма ёшга тўлар-тўлмас фронтга кетган эдим. Россиянинг Ржев шаҳри ёнида илк бор жангга кириб, Берлингача бордим.

Белоруссия ерларини озод этиш ва Висла дарёсини кечиб ўтиш, Польшанинг Люблин шаҳридаги жангларда кўрсатган жасоратим, Берлинни ишғол қилишда иштироким учун учала даражаси «Шуҳрат» орденлари билан мукофотландим.

Мана бир неча йилдирки, бахтли кексалик гаштини суриб, фаровон ҳаёт кечираяпман.

Ўзимнинг саксон тўрт йиллик умрим давомида шунга амин бўлдимки, дунёда соғлик, тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликдан катта бойлик йўқ. Мамлакатимиз мустақилликка эришган доруломон кунларда Оллоҳга шукроналар айтиб, ёшу қарини ватан осойишталигини кўз қорачиғидек асраш, ҳалол, имон-эътиқодли бўлиш, Ватанни севиш, шу юрт, шу халқ учун керак бўлса жонини ҳам бериш учун тайёр туришга даъват этаман.

**Саид НИЁЗОВ,**
**Китоб тумани Паландара қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси**

## Назм бўстонида

### ИНСОН ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ...

*Инсон хулқ-атворининг тўрттадир ёмон доғи,*
*Биринчиси: ҳасадчи, ёнмас унинг чироғи.*

*Иккинчиси: кибрли, ўта гердайган кимса,*
*Баланд чоғлар ўзини, ундан паст Помир тоғи.*

*Учинчиси: қаҳрли ва ғазабли кишилар,*
*Уларнинг орасидан топилмас яхшироғи.*

*Тўртинчиси: бадфеъллар, дўстлар чақ-чақлашса-да,*
*Хўмрайиб тураверар, очилмайди қовоғи.*

### ЖАҲОН БОҒИДА ДИЛБАР

*Жаҳон боғида дилбар гул эмас, ҳали ғунча,*
*Бир йилда бўйга етар, кутаман очилгунча.*

*Аллоҳ танҳо яратган десам хато бўлмайди,*
*Етти иқлимни кезиб, сира кўрмадим унча.*

*Сочи тиззага тушар, ўт чақнайди кўзидан,*
*Юзидан нур ёғилар, лабларидир гулғунча.*

*Назаримда пари ҳам уни кўрса лол қолар,*
*Ҳайронман, инсон зоти гўзал бўлурми шунча.*

*Тўра, унинг нозининг ўхшаши йўқ оламда,*
*Менга ёр бўлса, содиқ қоламан то ўлгунча.*

### ҚОБИЛ ФАРЗАНД

*Қобил фарзанд отани дулдулга миндиради,*
*Ёмони ғам келтириб, эртароқ ўлдиради.*

*Оқил кишининг қалби сирларнинг хазинаси,*
*Нодон одам сирини ҳаммага билдиради.*

*Тарбия кўрган бола сира қўймас уятга,*
*Тарбия кўрмагани шаштингни синдиради.*

*Ҳамжиҳатлик давлатдир, ёлғизлик эса кулфат,*
*Бирлашган ўзар, дерлар, ҳар ишни бўлдиради.*

*Раҳбарки, элга қувват, кучга-куч қўшар доим,*
*Халқига кеча-кундуз бахт-иқбол келтиради.*

Тўра ЖУМАН

### ҲОМИЙЛАР БЕЛЛАШУВИ

Элликқалъа туманида кўплаб спорт клублари фаолият кўрсатмоқда. Спорт устаси, кураш бўйича халқаро тоифадаги ҳакам, таниқли полвон Бозорбой Нуржонов ташкил этган «Азамат ёшлар» соғломлаштириш спорт клуби уларнинг бири.

Клуб ташаббуси билан унга ҳомийлик қилиб келаётган ўн олти ташкилот ўртасида мини-футбол бўйича мусобақа ўтказилди. Уч кун давом этган баҳсларда туман молия, халқ таълими бўлимлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда тиббиёт муассасаларининг жамоалари иштирок этди.

Кескин баҳслар Бўстон ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқитувчилари жамоасининг ғалабаси билан якунланди. Иккинчи ўрин туман молия бўлими вакилларига, учинчи ўрин эса Муҳаммад Юсуф номидаги академик лицей ўқитувчиларига насиб этди.

*Ёзги соғломлаштириш — юксак масъулият*

# КУН ТАРТИБИДА

## оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш

***Мактаб ўқувчиларини ёзги таътил кунларида соғломлаштириш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтишини ташкил этиш Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фаолиятида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.***

Айни чоғда соғломлаштириш оромгоҳига эга бўлган пойтахт корхоналарида жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида мавсумга тайёргарлик бошлаб юборилди. Тошкент Давлат техника университети, "Алгоритм" ва "Технолог" акциядорлик компанияси, "Қизилтепагеология" давлат геологик корхонаси, "Нурафшон" хусусий фирмаси ҳамда "Тошнефтгазқурилиш трести" акциядорлик жамиятлари шулар жумласидандир.

Оромгоҳларда инженерлик коммуникацияси, ичимлик суви ва коммунал фойдаланиш иншоотлари таъмирланди ва зарур асбоб-анжомлар келтирилди. Ҳозирги кунларда уларда телефон алоқасини тиклаш, кутубхоналарни янги адабиётлар билан таъминлаш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча кенгашнинг 2006 йилги ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган анжуманда қилиниши лозим бўлган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

Жорий йилнинг 4-5 майида "Алгоритм" оромгоҳида болаларни соғломлаштириш муассасалари раҳбарлари, катта етакчилари ва ҳисобчиларининг ўқув-амалий семинари уюштирилади. Бу йил 27 та болалар соғломлаштириш ва 25 та умумтаълим мактаблари негизида ташкил этилаётган оромгоҳларда пойтахт меҳнаткашларининг 36 минг нафардан зиёд фарзандлари ҳордиқ чиқаришади.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида оромгоҳларга бепул йўлланмалар билан кенгашнинг маблағи ҳисобидан шаҳардаги 21-, 22- ва 23-сонли Меҳрибонлик уйларининг 700 нафар тарбияланувчилари ва 700 нафар иқтидорли болаларни соғломлаштириш режалаштирилган. Меҳнат жамоалари ва касаба уюшма ташкилотлари маблағлари ҳисобидан эса маҳаллаларда истиқомат қилаётган 200 нафар кам таъминланган, кўп болали ва ночор оилаларнинг фарзандларини ҳам дам олдириш кўзда тутилган.

Айни кунларда Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Савдо департаменти оромгоҳларга зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаб бермоқда. "Тибашё" ва "Дори-Дармон" корхоналари эса уларни зарур тиббий ускуналар ва дори-дармонлар билан таъминлаш юзасидан белгиланган ишларни амалга оширишяпти.

"Тошшаҳархизматтранс" акциядорлик компанияси оромгоҳларга болаларни ташиш, "Меҳрлисавдо" давлат корхонаси озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўрмоқда. Санитария-эпидемиология назорати ходимларига оромгоҳларни қабул қилиш ва назоратни кучайтириш вазифаси юклатилган. Ички ишлар ҳамда Фавқулодда вазиятлар бошқармаларида оромгоҳларда жамоа тартибини сақлаш, турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Турфа олам*

### ТУТУНДАН ЎҒИТ

***Углекислота ўсимликка азот, фосфорли ва калийли ўғитлардек катта фойда беради. Лекин, углекислотани тупроққа бирор туз ҳолида солиш зарур. Чунки, шундай қилинганда ўсимликнинг озиқланиши учун қулай шароит яратилади. Масалан, углекислотани аммиак аралаштириб туз (углеаммоний тузи) ҳосил қилиш мумкин. Бу таркибида азот ва углекислота бўлган юқори концентратли ўғитдир.***

Қишлоқ хўжалиги учун жуда кўплаб минерал ўғит керак. Бунда корхоналардан чиқаётган чиқинди - углекислоталардан фойдаланилса бўлади. Бу ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги мисолни келтириш кифоя қилади.

Маълумки, ёқилғининг қайси туридан бўлмасин, водород олишда жуда кўп миқдорда қўшимча маҳсулот - углекислота ҳам олинади. Водородни бу углекислота аралашмасидан ажратиб олиш махсус аппаратлар ёрдамида бажарилади.

Агар худди шу аппаратга тоза сув ўрнига аммиак суви қуйилса, углекислота аммиак билан бирлашади ва углеаммоний тузи ҳосил бўлади. Бу бирикма эса тайёр суюқ ўғит ҳисобланади. Уни шу ҳолида ерга солиш мумкин.

### ҲУЖУМКОР ЧИГИРТКАЛАР ГАЛАСИ

***Вояга етган битта чигирткининг оғирлиги фақат 2-3 граммдан иборат. Бироқ олимларнинг ҳисобларига кўра, ҳатто ҳажми унча катта бўлмаган гала ичида шу қадар кўп чигиртка бўладики, бу чигирткаларнинг умумий оғирлиги 10 минг тоннадан ҳам ортиқ бўлади.***

Француз биолог олимларидан бири учиб кетаётган чигиртка галаси орқасидан бора туриб баргларини ва ёш новдаларини ҳозиргина чигирткалар кемириб, топ-тоза қилиб қўйган терак остига келиб қолган. Дарахтга «ёпишган» очкўз ҳашоратлар сони шу қадар кўп тўпланиб қолган чигиртка ғўнгига тўпиғигача ботиб қолди. Шуниси қизиқки, чигирткалар галаси узоқ вақт давомида ўз йўналишини ўзгартирмасдан учади. Бу галани ҳеч қандай ғов - сув ҳам, олов ҳам, табиий тўсиқлар ҳам тўхтатишга қодир эмас.

**А. АЛИЕВ**
**тайёрлади**



*Спорт оламида*

*Футбол*

### ТЎРТИНЧИ ЎРИН ҲАМ ШАРАФЛИ

Спорт ихлосмандлари борки, яхши билади: ҳар қандай мусобақада фақат юқоридаги уч ўрин учунгина медаллар берилади. Тўртинчи ёки бешинчи ўринлар аксарият ҳолларда муваффақиятсизлик деб баҳоланиши ҳам шундан.

Лекин Италиянинг «Фиорентина» жамоаси ҳужумчиси Лука Тони бутунлай бошқача фикрда.

— Агар жамоамиз тўртинчи ўринни эгалласа, ўзимни бахтиёр ҳисоблардим, - деди у.

Гап шундаки, УЕФА ижроия қўмитаси қарори билан футболи ривожланган мамлакатларга Европа чемпионалар лигаси баҳсларида қатнашиш учун ўринлар тақсимотида имтиёзлар мавжуд бўлиб, хусусан, Италияга тўрт ўрин бериладиа. Бу, демакки, агар «Фиорентина» тўртинчи ўринни олса ҳам ҳеч нарса ютқазмайди.

*Хоккей*

### ТАНАСИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

Миллий хоккей лигасида плэй-офф қатнашчиларининг барчаси маълум бўлди. 16 жамоа Стэнли кубоги учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Улар орасида моҳир ҳужумчи Илья Ковальчукнинг жамоаси «Атланта Трэшерз» йўқ.

Албатта, бундан клуб мутасаддилари ва мухлислари хафа. Лекин Россия терма жамоаси раҳбарлари ҳақида асло бундай деб бўлмайди. Улар Латвияда бўладиган жаҳон чемпионатига И.Ковальчукни таклиф қилиш имконияти пайдо бўлганидан мамнун эканликларини яширмаяптилар ҳам.

Тўғри, ҳозирча ҳеч ким ҳужумчининг ўзидан унинг фикрини сўрагани йўқ. Ҳар ҳолда у йўқ демаса керак.

*Теннис*

### ҒАЛАБА ҲАММАГА ЁҚАДИ

Чарлстонда ўтказилаётган турнир Надежда Петрова учун ёмон бошланмади. У WTA туркумига кирувчи ушбу турнирда иккинчи ғалабани қўлга киритди. Швейцариялик Патти Шнидер ҳар қанча қаршилик кўрсатмасин охир-оқибат мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди.

— Биз ушбу турнирда зафар қучамиз, - деди Н.Петрова оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

*«Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танловига*

# ШОГИРДЛАРИ КАМОЛИНИ КЎРГАН УСТОЗ

***Одатдагидек дам олиш куни. Уйда айтарли иш бўлмагани боис қадрдонларни эслаб, суратли альбомларни кўздан кечира бошладим. Аввал болалик даврида тушган суратлар, кейинчалик йигитлик даври... Ҳар бир сурат ўтган кунларнинг акс-садосидек туюларди. Бир пайт саҳнавий кўриниши акс этган икки барваста кишининг сурати эътиборимни тортади. Уларнинг бири отам Абдуғани Қорабоев, иккинчиси Асқар ака Икромов. Суратдаги ҳолат нима эканлигини билмоқчи бўлиб отамни қидирдим. Афсус...***

Шу куни бошқа юмушлар билан овора бўлиб, юқоридаги масалага ойдинлик киритиш ёдимдан кўтарилибди. Эртаси куни ишхонада ўтирсам, Асқар ака Икромовнинг ўзлари кириб келдилар.

— Э, бор бўлинг, ака, — дедим суюниб. — Кечагина эслаб турувдим-а, сизни!

— Ҳа, оғайнимнинг ўғли. Нима учун керак бўлиб қолдим? — сўради Асқар ака қўл олиб сўрашаркан.

— Мана бу суратга эътибор беринг, — дея у кишининг қўлига расмни тутқаздим.

Асқар ака суратни кўриб беихтиёр «Во, ажаб!» деб юборди. Узоқ тикилиб турди.

— Ёшлик давримни эслатиб юборди. Ўшанда 1956-57 йиллар эди адашмасам. Ўқувчи эдик. Мактабимизда драма тўгараги очилган эди. Отанг билан бирга қатнардик. Эсимга тушди. Ўшанда «Оғриқ тишлар», «Шоҳи сўзана» асарларини саҳналаштирган эдик. Ролларни маромига келтириб ижро этган эканмизми, тез орада овоза бўлиб кетдик. Аввал мактабда, кейин маҳаллаларда, бора-бора туман миқёсида саҳнавий чиқишлар қилиб турдик. Суратдаги ҳолат ўша кунлардан хотира.

Асқар ака кўзларини суратдан узмай, ўйга толди. Сўнгра ички бир энтикиш билан сўзида давом этди.

— Иккимиз ҳам оилавий шароит туфайли санъат йўлидан боролмадик. Ҳа, майли, у кунлар хотирага айланиб қолди-да.

— Ўзингиз санъатга қизиқсангиз мактабга қандай кириб қолдингиз?

— Ҳарбий хизматдан сўнг 1-мактабга етакчи бўлиб ишга кирдим, — сўзини давом эттирди Асқар ака. — Ёш эмасмизми, спортга жуда қизиқардим. Ҳатто ташаббус билан юқори синф ўқувчиларидан иборат терма команда тузган эдим. Қўшни Юқори Чирчиқ туманидаги мактаб ўқувчилари билан ўзаро дўстлик мусобақалари уюштириб турардик. Шоҳмот-шашка, футбол, баскетбол, волейбол мусобақалари... Ў-ҳу, ўйинлар қизиқарли ўтарди-да.

Ўқувчилар уч ойлик ёзги таътилга чиққан вақтида ҳам улар билан бирга бўлардик. Ёзги соғломлаштириш оромгоҳида турли қизиқарли тадбирлар ўтказиб турардик. Айниқса, «Билимлар мамлакатига саёҳат» тадбирига ўқувчилар қизиқиш билан тайёргарлик кўришарди. Ўқиш деса, иштиёқлари баланд эди-да ёшларнинг. Сабаби, ҳар бири ниманидир билишга, ўзидагини кўрсатишга урингарди.

— Нима, ўрта маълумот билан қолиб кетавердингизми? — луқма ташладим.

— Ие, нега энди? — ранжиганнамо сўзини давом эттирди Асқар ака. — Тошкент шаҳридаги рус тили ва адабиёти институтига ўқишга кирдим. Талабалик даврини ҳам кўрдим. Қайтанга-чи, олий ўқув юртида янада тажрибамни бойитдим. Республикамизнинг турли жойларидан келган гуруҳдошларимиз билан тажриба алмашиб турардик. Улардан ўрганганимизни амалиётда қўллардим.

1973 йил жуда яхши эсимда қолган. Ўша йили диплом ҳимоясини ўтаб, ўқитувчи деган ҳужжатни қўлимга олган пайтимни сўз билан ифодалаш қийин. Етакчиликдан ўқитувчиликка ўтиб, иш фаолиятимни давом эттирдим.

— Биринчи дарс, биринчи қадам... Ҳаяжонлангандирсиз?

— Э, нимасини айтасан, — суҳбатда давом этди муаллим. — Ёп-ёруғ синфхона. Қўнғироқ чалинган. Қўлимда 5 «б»нинг синф журнали. Эшикни очиб, ичкарига киришимни биламан, ҳамма ўқувчининг нигоҳи менга қадалган. Барчаси баб-баравариға «Ассалому алайкум» дейишди. Алик олдим. Ҳаяжонимни босиб, дарс мавзусини тушунтиришга ўтдим. Устозларим Умарали Қурбонов, Саъди Ҳайдаров, Холиқ Эшматов, Абдухалил Қорабоев (охиратлари обод бўлсин уларнинг), ҳозирда кексалик гаштини сураётган Абдуҳамид Абдуллахўжаев, Ҳомиджон Юнусов, Қутбиддин Бузруков, Асом Абдуллаевларнинг дарс ўтиш услублари, тажрибалари менга қувват, куч бағишлади. Улар, энг аввало, синф ўқувчиларининг диққат-эътиборини тортиб олардилар. Мавзуларни қизиқарли, оҳангли тарзда тушунтирардилар. Кўпроқ кўргазмали қуроллардан фойдаланардилар. Синфдаги бирорта ўқувчи бўш ўтирмасди. Қайсидир бола ёки қизнинг қўлида ё тарқатма материал ёки савол бўларди. Улар албатта жавоб беришга шайланиб туришарди. Қизиғи, «3» баҳо олган ўқувчи йиғлашга тушарди. Хафа бўлишарди-да (кулиб)... Қарабсанки, ана шундай устозлардан ўрнак олган камина ўқитувчилик касбини эгаллаб турибманда.

Фидойи ўқитувчи... Кўз ўнгимда минглаб халқ фарзандларини камолот йўлига бошлаган, тинимсиз меҳнати туфайли эл-юртга таниглан мураббийлар турарди. Унинг заҳматли, шарафли меҳнатларининг гувоҳи сифатида дил шодликка тўлиб боради.

Ҳикоямиз қаҳрамони Асқар ака Икромов бағрикенг, фидойи устозлардан. У кишининг таълим соҳасида ишлаётганига роппа-роса 40 йил тўлди. 40 йил касаба уюшма аъзоси сифатида фаоллик кўрсатди. Ўтган давр мобайнида тажрибали педагог қанча-қанча шогирдларни тарбиялади. Муҳими, ўз ихтисоси бўйича катта тажриба мактабини ўтади. Ўқувчиларга ўз фанининг сир-асрорларини Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида сингдириб борди. 100 дан ортиқ кўргазмали қурол, тарқатма материал тайёрлаб, атоқли ёзувчи ва шоирлар ҳаёти, ижодига бағишланган тадбирлар ўтказди.

— Билим берган ҳар бир ўқитувчи устоз бўлиб қолмайди. Энг аввало ўқувчи қалбига йўл топа билиши лозим. Хушмуомалаликни йўқотмаслик зарур. Лозим бўлган вақтда бироз қаттиққўллик ҳам керак, — дейди у.

— Асқар ака Икромов айни вақтда 10-умумий ўрта таълим мактабида ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келяпти, — дейди тармоқ касаба уюшмалари Паркент туман бўйича вакили Ш.Зукурхўжаев. — Фидойи ўқитувчи «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Президентимизнинг қарорлари мазмун моҳиятини педагоглар жамоасига етказиш ва тушунтиришда ташкилотчилик ишларини олиб боряпти.

Дарҳақиқат, тажрибали педагог касаба уюшмаси фаолларидан саналади. Жамоада бирор киши хасталанадими ёки рўзғорига бирор камчилик борми, бошига қайғу соя соладими Асқар ака биринчилардан бўлиб ёрдамга шошилади.

— Бугун таълим тизими мураккаб жараённи босиб ўтяпти. Ўқувчиларга ДТС талаблари даражасида мукаммал сабоқ бериш учун энг аввало, моддий техник базага эга бўлмоқ керак. Тўғри, ҳукуматимиз ўқувчиларга янги қўлланма ва дарсликларни етказиб беришга ҳаракат қиляпти. Бироқ чиқарилаётган айрим дарсликлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шакллантирилган, ривожлантирилган тарздаги дарсликлар зарур, — дейди Асқар ака суҳбат чоғида.

Асқар ака шогирдлари камолини кўрган устозлардан. Мафтуна Хайтуллаева, Улуғбек Муҳаммадалиев, Мирғани Мирпўлатов, Дилшод Бозоров каби шогирдлари айни пайтда устозлари билан ёнма-ён ишлаяпти. Яна 100 дан ортиқ шогирдлари эса педагог касбида меҳнат қилишмоқда.

А.Икромов меҳнат қилаётган илм даргоҳи замонавий «Пентиум» компьютерлари билан таъминланган. Бундан ташқари, устознинг иш фаолияти туман халқ таълими ДТСМ бўлими ва касаба уюшмалари томонидан юқори баҳоланган.

Интилувчан, жонкуяр педагог Асқар Икромов меҳрибон оила бошлиғи ҳамдир. Турмуш ўртоғи Раъно опа билан 5 нафар фарзандни эл корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаган. Катта ўғли Баҳодир жарроҳ, Ботир отаси каби ўқитувчи, Баҳром чилангар, кенжа қизи Умида эса ҳамшира бўлиб ишлаяпти. Асқар ака ва Раъно опа 6 нафар набиранинг севимли бува-бувижонисидир.

— Ўқитувчилик касби болаликка ошно бўлиш бахтини берди. Истиқболи порлоқ ёшлар билан ишлашни энг катта бахт деб биламан. Ёшлар орасида ўзинг ҳам яшариб кетасан киши.

Бугунги ўқитувчи кучли билимга эга бўлиши зарур. Изланмаган, интилмаган муаллим уялиб қолиши ёки бу шарафли соҳадан узоқлашиб кетиши турган гап.

Суҳбатимиз тугаб, Асқар ака хонани тарк этди. У кишининг орқасидан ҳавас билан қараб қолдим. Нуроний педагог шогирдлари томон умид билан шахдам одимлаб борарди.

**Абдузухур ҚОРАБОЕВ,**
**журналист**


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланган тартибда Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига 2006 йил 21 апрелдан қуйидаги объектлар қўйилишини маълум қиламиз.

1. Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида жойлашган Халқ таълими вазирлиги тармоғига тегишли «Қўнғироқча» болалар боғчаси, 7 корпуси. **Бошланғич баҳоси — 749,70 минг сўм.**

2. Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида жойлашган Халқ таълими вазирлиги тармоғига тегишли «Қўнғироқча» болалар боғчаси, 10 корпуси. **Бошланғич баҳоси — 538,70 минг сўм.**

3. Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида жойлашган Халқ таълими вазирлиги тармоғига тегишли «Қўнғироқча» болалар боғчаси, 6 корпуси. **Бошланғич баҳоси — 749,20 минг сўм.**

4. Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида жойлашган Халқ таълими вазирлиги тармоғига тегишли «Қўнғироқча» болалар боғчаси, 2 корпуси. **Бошланғич баҳоси — 991,60 минг сўм.**

5. Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида жойлашган Халқ таълими вазирлиги тармоғига тегишли «Қўнғироқча» болалар боғчаси, 3 корпуси. **Бошланғич баҳоси — 979,60 минг сўм.**

6. Сирдарё вилояти, Сирдарё туманида жойлашган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғига тегишли «Малик» қишлоқ врачлик амбулаторияси биноси, 1 корпуси. **Бошланғич баҳоси — 1 329,0 минг сўм.**

7. Сирдарё вилояти, Мирзаобод туманида жойлашган Халқ таълими вазирлиги тармоғига тегишли «Наргиз» болалар боғчаси, 2 корпуси. **Бошланғич баҳоси — 511,40 минг сўм.**

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан савдоларга бошланғич нархи босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланиладиган, яъни ҳар савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган қуйидаги давлат объекти қўйилади.

1. Сирдарё вилоятида жойлашган Янгиер шаҳар ҳокимлигига қарашли меҳмонхона биноси. **Бошланғич баҳоси — 48 920,50 минг сўм.**

Давлат мулки қўмитасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 21 апрелдан РКМБ Фарғона вилояти маклерияти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида бошланғич нархи босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қуйидаги объект қўйилади.

Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Шижоат кўчаси, 1-уйда жойлашган халқ амалий ва бадиий ишлаб чиқариш «Усто» корхонаси.

**Бошланғич баҳоси — 106 488 000 сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг.**

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махамад Ўразбоев кўчаси, 1«А» уй. РКМБ.**
**Телефонлар: 399-80-26, 136-15-28. Факс: 136-26-26. www.rkmb.uz**
**Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 35-уй.**
**Телефонлар: 8(3732) 24-68-72, 24-68-70. Факс: 8(371) 114-62-35.**

***Эслатма:*** *РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.*


Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар раислар Кенгаши «Оникс» ҳиссадорлик жамияти бошқарув раиси ва бош директори Тоҳир Ашуровга падари бузруквори

**ТИЛОВҚУЛ ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Марказий кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакиллиги «Қорақалпоққишлоқсувқувурхўжалиги» тресли бошқарувчиси Сарсен Полуашевга ўғли

**ТЕМУРБЕК**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади


ISHONCH

**МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ**

ТЕЛЕФОНЛАР:
**Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;**
**Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 15408 Буюртма Г— 614

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*